

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРДИНОВА ЁРКИНОЙ АБДУМУХТАРОВНА

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ ВА МУМТОЗ АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ
ФРАНЦУЗ ТИЛИДА
(РЕМИ ДОР ТАРЖИМАЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Насирдинова Ёркиной Абдумухтаровна

Ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти намуналари француз тилида
(Реми Дор таржималари асосида) 3

Насирдинова Ёркиной Абдумухтаровна

Образцы узбекского фольклора и классической литературы
на французском языке (на основе переводов Реми Дора)..... 27

Nasirdinova Yorkinoy Abdumukhtarovna

Samples of uzbek folklore and classic literature are in French language
(based on Remy Dor's translations) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРДИНОВА ЁРКИНОЙ АБДУМУХТАРОВНА

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ ВА МУМТОЗ АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ
ФРАНЦУЗ ТИЛИДА
(РЕМИ ДОР ТАРЖИМАЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Холбеков Муҳаммаджон Нуркасимович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Халлиева Гулноз Искандаровна филология фанлари доктори Ширинова Раима Ҳакимовна филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., проф.

Қ.П. Содиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., проф.

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таржимашунослигида сўнги йилларда фольклор намуналарини инглиз, француз, немис, рус каби халқаро тилларига таржима қилиш масалаларига эътибор ортиб бормоқда. Глобаллашув жараёнида аллақачон юксак маънавий-маданий тафаккур маҳсули сифатида тан олинган халқ оғзаки ижоди намуналарини барча учун тушунарли ҳолга келтириш талаби уларнинг тарбиявий ва педагогик аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Халқ тарихи, одоб-ахлоқи, маърифатининг кўзгуси бўлган оғзаки ижод матнининг поэтик ва прозаик жиҳатларини аслиятга муқобил тарзда ўгириш масалалари доимо таржимашуносликнинг долзарб муаммоларидан бўлиб келган.

Дунё адабиётшунослиги, хусусан, француз шарқшунослигининг янги авлод мутахассислари ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти намуналарини бевосита аслиятдан ўрганиш, бадий матн моҳиятини чуқур тадқиқ этиш ва уларга муқобил таржималар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида халқ эртақларига хос этнографик атамалар таржимаси, болалар тез айтишларининг фонетик хусусиятларини сақлаш, қофия, вазн каби дoston поэтик ритми элементларини қайта яратиш масалаларини ёритиш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш фанни янги маълумотлар билан бойитиш билан бир қаторда икки халқнинг адабий алоқалари равнақига ҳам хизмат қилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг сўнги янги даврида миллий кадриятлар, оғзаки ижод масалаларига алоҳида эътибор берилипти. Чунончи, «...фольклор анъаналари ва кадриятларини сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, ривожлантириш...»¹ мана шу борада қилинаётган ишларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосидир. Халқ томонидан яратилган нодир маънавий бойлик ҳисобланмиш ўзбек фольклори ҳамда руҳий тарбия озиғи бўлган мумтоз адабиёт намуналари асрлар оша олийжаноб ғояларни кишилар қалбига сингдиришга хизмат қилиб келмоқда. Шу жиҳатдан, сақлаб қолинган маданий кадриятнинг бадийлик даражасини, поэтик нафосатини, унда олға сурилган фалсафий ғояларни асл моҳияти билан намойиш этиш, улар намуналарини дунё халқларига таништириш, қиёсий-типологик тадқиқотлар олиб бориш фанимизнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисидаги» Қарори // Халқ сўзи. 2018 йил 1 ноябрь. № 228 (7186).

ўтказиш тўғрисидаги» Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари тараққиётининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек таржимачилик санъатининг ривожидида Ғ.Саломов, Н.Комилов, Қ.Мусаев, М.Холбеков, М.Бақоева, О.Мўминов, Н.Қамбаров, И.Ғафуров² каби олимларнинг меҳнати беқиёс. Йиллар давомида уларнинг изланишлари туфайли таржима назарияси ва амалиёти, таржиманинг лексик, грамматик, фразеологик муаммолари, таржима танқиди, таржимашунослик ютуқлари ва истикболи, шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик каби масалалар ўз ечимини топиб келмоқда.

Ўзбек адабиётининг француз тилига таржималари ва уларнинг ўрганилиш тарихи М.Холбековнинг «Ўзбек-француз адабий алоқалари (Таржима, танқид ва идрок)»³ мавзусидаги докторлик диссертациясида батафсил ёритилган. Шунингдек, Б.Эрматов, Р.Ширинова, Ф.Салимова, Х.Хамроев, Ш.Исақова, Н.Ўрмонова⁴ каби олимларнинг илмий ишларида ҳам адабиётшунослик масалалари қиёсий-типологик жиҳатлари ўрганилган. К.Мустаев, С.Исмаатов каби олимлар француз фольклор асарларининг поэтик хусусиятларини ўз тадқиқотларида ёритиб берганлар⁵.

² Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). – Т.: Фан, 1966. – 385 б.; Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари: (Поэзия ва таржима). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 224б.; Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1961. – 159 б.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б.; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. Мақолалар тўплами. – Т.: Наврўз, 2015. – 112 б.; Бақоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. – Т.:Фан, 2015. – 288 б.; G'ofurov I., Mo'minov O., Qambarov N. Tarjima nazariyasi: Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. – Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2012. – 280 б.

³ Холбеков М. Н. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критики и восприятия). Дис.док.филол.наук. Ташкент,1991.– 424 с.

⁴ Эрматов Б. Французская реалистическая новелла века в переводе на узбекский язык: Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 1991. – 21с.; Ширинова Р. Диний реалияларни бадий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (француз адабиётининг ўзбекча таржималари мисолида). Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 24 б.; Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики «Восточно-тюркского словаря» Паве де Куртеля и переводов «Бабурнаме»: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент,1997.– 24с.; Хамраев.Х.К. Воссоздание национального колорита произведений узбекской прозы во французских переводах (на материале произведений Айбека и А. Каххара). Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1998. – 19с.; Исоқова Ш. И. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши (Ойбекнинг “Навоий” романи французча таржимаси мисолида). Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Рустамов О. XX аср француз шеърляти ўзбек тилида (таржимада шакл ва мазмун масаласи). Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 30б.

⁵ Мустаев К. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в «Песне о Ролланде» и «Алпамыше». Автореф. ... дис. канд. филол. наук. – Самарқанд, 1994.–24 с.; Исмаатов С. Француз халқ эпослари матнининг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фан.ном. ... дисс. автореф. Т., 2010. – 28 б.

Ўзбек фольклор асарларининг хорижий тилларга таржима қилиш масаласида ўзбек таржимашунослигида қатор муҳим илмий-назарий тадқиқотлар амалга оширилган. К.Жўраевнинг тадқиқотида «Алпомиш» достонининг русча⁶, Ш.Рўзиев, Р.Файзуллаева, Й.Нурмуродов, З.Жуманиёзовларнинг тадқиқотларида ўзбек фольклори намуналарининг немисча⁷, К.Рафиқов, Ҳ.Юсупова, У.Йўлдошев ва Р.Касимоваларнинг диссертацияларида инглизча⁸, Р.Ширинова ҳамда М.Жўраеванинг докторлик ишларида эса ўзбек халқ эртақларининг французча⁹ таржималари турли йўналишларда ўрганилган. Бироқ француз фольклоршуноси Реми Дор томонидан француз тилига ўгирилган ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти намуналари франкофон маданий ареалда ўзига хос улкан нуфуз ва аҳамият касб этган бўлсада, таржимашунослар эътиборидан четда қолиб, алоҳида диссертацион тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Андижон давлат университети хорижий тиллар факультетининг «Хорижий адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари» илмий мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Реми Дор томонидан француз тилига таржима қилинган ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти намуналарини қиёсий тадқиқ қилиш ҳамда таржимон маҳоратини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Мустақиллик даври ўзбек-француз адабий алоқалари ривожланиш тарихини ёритиш;

француз шарқшунос олими Реми Дорнинг таржимонлик маҳоратини очиб бериш;

⁶ Джураев К. Сопоставительное изучение поэтических переводов в контексте межлитературных и межфольклорных связей. Дис. док. филол. наук, Ташкент.1991. – 326 с.

⁷ Рузиев Ш. К вопросу узбекско-немецких литературных связей: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1974. – 30 с.; Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1972. – 225с.; Нурмуродов Й. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1983. – 192 с.; Жуманиёзов З. «Равшан» достонининг немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Т., 2008. – 25 б.

⁸ Рафиқов К.Узбекская литература в зарубежном литературоведении: по материалам американской печати. Дисс.кан.фил.наук. - Ташкент, 1981. - 206 с.; Юсупова Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2011. – 26 б.; Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.; Касимова Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2018. – 49 б.

⁹ Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 56 б.; Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хуссиятлари: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2017. – 87 б.

Реми Дор томонидан ўғирилган ўзбек тез айтишлари ва қадимги туркий мақол намуналарини аслият билан қиёслаш;

Нурали ўзбек халқ достонининг ўзига хос поэтик хусусиятларини француз тилидаги таржимаси билан адекватлик даражасини тадқиқ қилиш;

муаммо жанрининг жаҳон адабиётида тутган ўрни, унинг турлари ҳақидаги олимлар фикрини жамлаш. Навоийнинг «Муфрадот» асарини француз тилидаги талқини билан қиёслаш.

Тадқиқотнинг объектини француз таржимачилиги ва шарқшунослигида ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти бўйича амалга оширилган ишлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Реми Дорнинг ўзбек фольклори ҳамда мумтоз адабиётдан француз тилига ўғирилган таржималари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда компонент, қиёсий-тарихий ва қиёсий-чоғиштира усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

француз шарқшунослигида шаклланган ўзбек адабиёти тадқиқи борасида бажарилган илмий тадқиқот ва таржимачилик ишларини биринчи марта комплекс таҳлил қилиш натижасида шарқшуносларнинг адабий жараёнини ҳаққоний ёритишга қаратилган илмий қарашлари очиб берилган;

«Нурали» достонининг французча таржимаси биринчи марта аслият билан қиёсий ўрганилиши натижасида эпик турга хос «сажъ» санъати француз насрининг «*roman prose*» жанрига мувофиқ келиши асосланган;

ўзбек эпосига хос бўлган бармоқ шеърини вазни таржимада француз силлабик шеър тизимидаги муқобил варианты асосида берилганлиги исботланган;

ўзбек болалар тез айтишларининг логопедик жиҳати бўлган товушдошлик хоссаларини француз тилида фонетик жиҳатдан қайта яратишнинг имкониятлари мавжудлиги далилланган;

мумтоз адабиёт жанри бўлган «муаммо» санъати француз адабиётидаги «энигма», «логогриф» каби жанрлар билан қиёсланганда уларнинг семантик жиҳатдан ўхшаш ва шаклан фарқлилиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаларидан ўзбек-француз адабий алоқалари тарихини ёритишда, ўзбек халқ оғзаки ижоди поэтикасини француз тилига ўғиришда, ўзбек тилидан француз тилига таржима амалиёти муаммоларини ёритишда, олий ўқув юртларида француз тили ва адабиётини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётида муаммо жанри ва унинг дунё адабиётидаги ўрнига бағишланган монографик тадқиқотлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги келтирилган назарий маълумотларнинг манбалари тўлиқ кўрсатилганлиги, Реми Дор тадқиқот ва таржима китоблари илк марта тадқиқ этилаётганлиги, тадқиқот натижалари амалиётга монографик тарзда жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишда

француз шарқшуноси Марк Тутаннинг хориж навоийшунослигига қўшган ҳиссаси, Стефан Дюдуагноннинг жаид адабиёти ҳақидаги фалсафий қарашлари, аруз вази ва муаммо жанри назарияси ҳақида илмий рисолалар яратган француз олимлари Реми Дор ҳамда Гарсин де Тасси асарларига миллий адабиётшунослигимизда илк бор муносабат билдирилган.

Келтирилган фактик материаллар, хулосалар келгусидаги ўзбек-француз ва француз-ўзбек адабий-маданий алоқалари йўналишидаги тадқиқотчилар, таржимонлар учун, шунингдек, магистрлик ишлари ёзишда, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқотдан олинган натижа ва хулосалардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида фольклоршунослик ҳамда таржимашунослик назарияси ва амалиёти курсларида лекция ўқишда, амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётини француз тилидаги бадиий аксини тадқиқ этиш жараёнида олинган хулоса ва амалий таклифлар асосида:

ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётини француз тилига таржима қилишда Реми Дорнинг таржимонлик маҳоратини ўрганиш билан боғлиқ натижалардан Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, маданий ва таълимий ҳамкорлик бўлими илмий фаолиятида фойдаланилган (Франция элчихонасининг 2018 йил 18 майдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш ўзбек-француз адабий алоқалари тараққиётига муайян даражада хизмат қилган;

мустақиллик йиллари ўзбек-француз адабий алоқалари тараққиётини тадқиқ этиш давомида олинган натижалардан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва таржима бўлимининг илмий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 31 майдаги 01-03/680-сон маълумотномаси). Натижалар ҳозирги кунда шарқшунослик соҳасида фаолият кўрсатаётган француз олим, таржимон ҳамда тадқиқотчилар билан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ўртасида ижодий ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қилган;

«Нурали» ўзбек халқ достонининг француз тилига таржимаси билан боғлиқ натижалардан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи тарихий фондини бойитишда ҳамда экспозицияларини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 1 майдаги 01-11-08-3895-сон маълумотномаси). Ўзбек халқ достонининг француз тилига таржимасига оид маълумотлар музей тарихий фондини адабий манбалар билан бойитишга ҳамда хорижий сайёҳларга ўзбек фольклори ҳақида маълумот олишларига хизмат қилган;

тез айтиш ва мақоллар таржимаси ҳамда уларга доир натижалардан Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг «Ижод гулшани», «Кичкинтой», «Маънавият сарчашмаси» каби туркум кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган (Андижон вилояти

телерадиокомпаниясининг 2018 йил 5 апрелдаги 20-21/17-сон маълумотномаси). Ўқувчилар томонидан ижро этилган ўзбек тез айтиш ва мақолларининг икки тилда – француз ҳамда ўзбек тилларида ижро этилиши, уларнинг чет тилини ўрганишдаги педагогик аҳамиятига оид тадқиқот натижаларининг баёни кўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг мазмунли тайёрланишига, таълимий, тарбиявий аҳамиятини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар шаклида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлини. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 4таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 162 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Мустақиллик даврида ўзбек-француз адабий алоқалари тараққиёти**» деб номланиб, мустақилликдан сўнг ўзбек адабиётининг француз шарқшунослигида ўрганилиш масалаларини ёритиб бериш ҳамда Реми Дорни туркий халқлар фольклори ва адабиётининг тадқиқотчиси сифатида ўрганишга бағишланган.

Ўзбек-француз адабий алоқаларининг дастлабки асослари XVII асрнинг биринчи ярмидан бошланади. Шарқшунос олимлар Навоий, Бобур, Абулғози Баҳодирхон каби ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари асарларини тадқиқ этиш ва таржима қилиш билан бир қаторда география, тарих, диншуносликка оид манбаларни ҳам тадқиқ этдилар. Бартелеми д'Эрбелло, С. де Саси, Э.Катремер, А.–Ж. Клапрот, Ф.–А.Белен, А.Паве де Куртейль, Ш.Шефер, Л.Бува, Ф.Гренард, Ж.–Л.Бакье Грамон каби етук шарқшунос олимлар эса туркий халқлар илмий ва маънавий меросини тадқиқ қилиш ҳамда ғарбда тарғиб қилишга катта хисса қўшдилар¹⁰.

¹⁰ Холбеков М. Н. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критики и восприятия). Дис. ... док. фил. наук. – Ташкент, 1991. – 424с.

XXI аср ўзбек-француз халқаро алоқалари тараққиётида Франциянинг Ўрта Осиёни ўрганиш институти (IFEAC) ҳамда унинг асосчиси Пьер Шувин, шунингдек, Реми Дор, Стефан Дюдуагنون, Марк Тутан сингари шарқшунос олим ва таржимонларнинг хизматлари катта бўлди. 1993-2010 йилларда Тошкентда, сўнг эса Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида фаолият кўрсатаётган француз институти кўплаб маҳаллий ва француз тадқиқотчиларининг илмий ишларига хомийлик қилиб келмоқда. Реми Дор томонидан ўзбек халқ оғзаки ижоди асослари ёритиб берилди ва улардан намуналар таржима қилинди. Стефан Дюдуагنون тадқиқотлари эса жаҳид адабиётининг фалсафий мақсадларини очиб беришга қаратилган. Ёш адабиётшунос олим Марк Тутан эса Алишер Навоийнинг «Хамса» асарини бошқа хамсанавис олимлар асарлари билан қиёсий ўрганди. Француз навоийшуносининг 2016 йилда чоп этилган «Сўзлар салтанати: Алишер Навоий «Хамса» асари сўнгги темурийлар даври қудрати, маданияти ва тасаввуфи инъикоси сифатида»¹¹ номли 701-бет ҳажмдаги монографияси Фарб навоийшунослигидаги энг йирик асар бўлди.

Ўзбек адабиётининг Франциядаги тарғиботига жаҳид адабиёти бўйича мутахассис Б.Қосимов ва навоийшунос олим А.Эркиновларнинг хиссалари катта бўлди. IFEAC билан ҳамкорликда олимлар ўзларининг қатор мақолалари¹² орқали миллий адабиётимиз дурдоналарининг асл моҳиятини француз илмий оммасига етказиб бердилар.

1991 йил Париждаги нуфузли нашриётлардан бўлган «Ла диферанс» китоб уйида Навоий шеърляти мажмуасини «Ғазал ва бошқа поэмалар»¹³ номи остида чоп этди. Тўпламда ўзбек мутафаккирининг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот билан бирга унинг француз тилига таржима қилинган асарлари библиографияси илова қилинган. Энг муҳими, шеърлар матни икки тилда, яъни аслият (араб алифбосида) ва французча таржималар ёнма-ён берилган. Материалнинг икки тилда мавжудлиги ўқувчига аслият ва таржима матнини қиёсий ўрганишга имконини берган.

2007 йил Жан Жак Гате ҳамда Муродхон Эргашев томонидан тайёрланган Навоий ғазаллари бадий таржимаси бошқа тўпламлардан ўзининг тузилиши билан кескин фарқ қилади¹⁴. Рассом Жаҳонгир Ашуровнинг ҳар бир ғазалга ишлаган миниатюралари француз китобхонига Навоий шеърлятининг сирли оламини кашф этишига ёрдам берган.

¹¹ Toutant, Marc. Une empire des mots: pouvoir, culture et souffisme à l'époque des derniers Timourides au miroir de la Khamsa de Mir Ali Chir Nava'i. – Paris - Louvain – Bristol: Peeters, 2016 – 701p.

¹² Qosimov Begali, Dudoignon Stéphane A. Sources littéraires et principaux traits distinctifs du djadidisme turkestanais (début du XXe siècle)*. In: Cahiers du monde russe : Russie, Empire russe, Union soviétique, États indépendants, vol. 37, n°1-2, Janvier-juin 1996. pp. 107-132; Erkinov A.. From Herat to Shiraz: the Unique Manuscript (876/1471) of 'Alī Shīr Nawā'ī's Poetry from Aq Qoyunlu Circle, Cahiers d'Asie centrale [Online], 24 | 2015, Online since 10 March 2016, – P.47-79.URL : <http://journals.openedition.org/asiacentrale/2791>; Erkinov A., Le contrôle impérial des répertoires poétiques. La mise au pas des prédicateurs maddāh dans le Gouvernorat général du Turkestan (fin XIXe-début XXe siècle), Cahiers d'Asie centrale, 24 | 2015, mis en ligne le 10 mars 2016. – P.145-182. URL : <http://journals.openedition.org/asiacentrale/2902>

¹³ Alisher Navoi. Gazels et autres poèmes. – Paris: Orphée/La Différence, 1991. – 127p.

¹⁴ Alisher Navoiy.Gazels.Traductions: M.Ergashev, J.-J. Gaté. – Brest: Géorama,2007. – 72 p.

Ўзбек шоири Ҳ.Исмоилов француз таржимони Жан-Пьер Балп билан ҳамкорликда ўзбек адабиёти намуналарини таржима қилди ҳамда 2008 йил Жаклин Фарме бошчилигидаги «Сандр» нашриёти вакиллари икки томлик «Ўзбек шеърляти антологияси»¹⁵ ни чоп этилар.

Сўнгги йилларда эса ўзбек адабиётининг Франциядаги тарғибот кўлами кенгайиб бормоқда. Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб»¹⁶ романи (Ш.Холмуродов), Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романининг «Кеча» қисми (таржимон – Стефан Дюдуагнон)¹⁷, «Ўзбек мақол ва маталлари» (Муроджон Эргашев)¹⁸, «Ўзбек халқ эртаклари»¹⁹ (Ш.Дониёров), Эркин Аъзамнинг «Алвидо, сеҳрли эртаклар!»²⁰ (Ш.Минавваров), «Буюк ипак йўли эртаклари»²¹ (Ш. Йўлдошев) каби таржималар бунга далилдир.

XXI асрга келиб француз адабиётида шарқ маданияти ва мутафаккирлари ҳақида тарихий романлар яратиш авж олди. Булар жумласига Жан Пьер Люминенинг «Улуғбек: буюк астроном»²², Жилбер Синуэнинг «Авицена ёхуд Исфахон йўли»²³ каби тарихий романлари Шарқнинг олтин даври бўлган X-XV асрлар даври мутафаккирлари фаолиятини ёритишга бағишланган.

Француз шарқшунослигида XV-XX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврда ўзбек адабиётини ўрганишга доир илмий тадқиқотлар профессор М.Холбеков томонидан ёритилган бўлса, мустақиллик йилларида ўзбек адабиётидан француз тилига ўгирилган баъзи асарлар Р.Ширинова томонидан таҳлил қилинган. Бироқ француз фольклоршуноси Реми Дор таржималари алоҳида диссертацион тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Реми Дор Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ халқлари оғзаки ижодини ўрганар экан, уларнинг ўзига хос миллийлиги, бетакрор сюжет қурилмасини француз адабиёти призмаси орқали ўз халқига етказиб берди. Франциянинг «Files France» нашриёти ташаббуси билан чоп этилган «Дунёнинг яралиши ҳақида» («Aux origines du monde») туркумидаги жаҳон халқлари эртак ва афсоналари таржима тўпламининг «Ўрта Осиё ҳақида эртак ва афсоналар»²⁴ ҳамда «Туркия ҳақида эртак ва афсоналар»²⁵ бўлимлари Реми Дор томонидан нашрга тайёрланган.

¹⁵ Anthologie de la poesie d'Ouzbekistan. Traduite et adaptée par H.Ismailov et Jean-Pierre Balpe. Tom 1-2. – Paris: Edition du Sandre, 2008.

¹⁶ Le chapeau magique d'Ouzbékistan. K.Tukhtabayev, traduit de l'ouzbek par Sh.Kholmudorov. – Paris: Harmattan, 2005. – 136p.

¹⁷ Abd al-Hamid Sulayman, alias TCHULPAN, Nuit, traduit de l'ouzbek par Stéphane A.Dudoignon, Saint-Pourçain-sur-Sioule: Paris: Bleu autour (avec le soutien du Centre National du Livre), 2009, 456 p., postface, glossaire

¹⁸ Proverbes et dictons d'Ouzbékistan, traduc.: M.Ergashev, I.Niyozov. – Brest: Géorama, 2006. – 96 p.

¹⁹ Le bûcheron et le lion, contes ouzbeks, traduite par Sh.Doniyorov. – Paris: Harmatan, 2014. – 86 p.; Nénuphar/Niluphar: conte ouzbek (trilingue français-ouzbek-russe), traduite par Sh.Doniyorov. – Paris: Harmatan, 2013. – 16 p.

²⁰ Erkin Azam. Adieux aux contes des fées. Traduite par Ch. Minovarov. – Tachkent, 2015.

²¹ Contes de la grande route de la soie-sagesse de l'Orient. Éditeur et auteur du projet: O.Ostanov. Traducteur de l'ouzbek en français et concepteur Sh.Yuldoshev. – Tachkent: Akademnashr, 2016.

²² Luminet Jean-Pierre. Ulugh beg – astronome de Samarcande. – Paris, 2015. – 352p.

²³ Sinoué Gilbert. Avicenne ou la route d'Ispahan. – Paris: Gallimard, 1990. – 544p.

²⁴ Dor Rémy. Contes et légendes de Centre-Asie. Aux origines du Monde. - Paris, 2000. – 204 p.

²⁵ Dor Rémy. Contes et légendes de Turquie. Aux origines du Monde. – Paris, 2002. – 206 p.

Реми Дор ўз тадқиқотининг мақсадини баён этиб, аждодлар сўзлари дунёнинг янги маданиятшунослари томонидан ўзгартирилмасдан, қадимги дала-даштлардан ҳозирги шаҳар марказларига етказмоқчилигини айтади. Муаллиф барчани мазкур эртакларнинг виртуал оламига таклиф этади. Улар мазмунан ўзгаришсиз, фақат ўзбек, озарбайжон, қозоқ, уйғур халқ эртаклари деб номланаётганлигини айтиб ўтган.

Реми Дорнинг фикрича, эртаклар ажойиботлар ва соддалик ташувчилари бўлиб, оламнинг, халқларнинг болалиги ҳақида сўзловчи воситалар ҳисобланади. Ҳеч бир эртак, афсона дунё халқлари маданиятига, халқлар эса бир-бирига бегона эмаслигига далиллар келтирган. Уларда доимо яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қозонади. Тасвирланган сюжетлар эса кишиларни иродали бўлишга, қаҳрамонлик ва жасоратга, гўзалликка интилиб яшашга ундайди.

Таржима тўплами Ўрта Осиё халқлари тарихи ва оғзаки ижодини француз дунёсига таништириш йўлида яратилган муҳим этнографик манбадир. Унда муаллиф дунё халқлари эртак ва афсоналарининг муштарак ва фарқли жиҳатларини қиёсий ўрганди, илмий асослади. Мазкур қўлланма, шубҳасиз, Ғарб ва Шарқни туташтирувчи адабий кўприк бўлиб, келгусида режалаштирилган илмий ва таржимавий тадқиқотларга ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Реми Дорнинг 2002 йилда яратилган «Туркия ҳақида эртак ва афсоналар»нинг таржимасига бағишланган тўплами эртаклар генезиси (Aux origines des contes), ҳайвонлар генезиси (Aux origines des animaux), киши номлари генезиси (Aux origines des gens) ҳамда жой номлари этимологиясини (Aux origines des lieux) ёритишга бағишланган. Китоб 4 боб, сўнги сўз (Epilogue), айрим сўзларга берилган изоҳлар (Notes), шунингдек, эртаклар аслияти олинган манбалар рўйхатидан (Sources des contes) иборат.

Реми Дор эртакларни беш турга ажратган: ҳайвонлар ҳақидаги (contes d'animaux (181-бет)), сеҳрли (contes merveilleux (182-бет)), реалистик (contes réalistes (183-бет)), лоф – ёлғончилик ҳақидаги эртаклар (contes de menterie (190-бет)) ва ҳажвий эртаклар (contes facétieux (191-бет)).

Машҳур Хўжа Насриддин ҳақидаги латифалар тўпламининг энг катта қисмини ташкил этган. Туркияда *Хўжа* (Hodja), Ғарбда ва араб дунёсида *Жўҳа* (Djoħa), Мальтларда *Жаҳон* (Djahan), Сицилияда *Жуха* (Djuħa), Колумбияда *Хиоха* (Hiõħa), Юнонистон, Сербия, Харватия ва Венгрия халқ эртакларида *Ходжа* (Hodja) номи билан донг таратган *Насриддин афанди* латифалари китобхонга беғубор кулгу ва ўзига хос кайфият улашади. (Кейинроқ Реми Дор Олга Моница билан ҳаммуаллифликда «Афанди саргузаштлари»²⁶ деб номланган таржима китобчасини ҳам яратган).

Эртак ва афсоналар, бадиий матн сифатида, аниқ бир халққа тааллуқли бўлган тарихий ва маданий маълумотларни сақлайди. Фақат бир халқ яшаш шароити асосида вужудга келган ҳар қандай эртак ўзида салмоқли маданий жиҳатларни мужассамлаштиради: қаҳрамон исми, жой номлари, тил

²⁶ Dor Remy, Monina Olga. Les aventures d'Apèndi. – Paris: Flies France, 2009. – 102 p.

воситалари. Адабий асар сифатида эса эпитет, қиёслаш, фразеологик бирликлар каби бадиий воситаларга бой. Бундан келиб чиқадики, эртак таржимаси бир тилдан иккинчи тилга ўгириш эмас, балки икки маданиятнинг мулоқотидир. Шу жиҳатдан, Реми Дор Ўрта Осиё ва Туркия халқлари орасида 35 йилдан ортиқ вақт яшади. Уларнинг анъаналари, урф-одатлари, тилини ўрганди ҳамда уларни француз тилига, француз маданиятига кўчирди. Унинг таржималари француз китобхонига мусулмон ва христиан Шарқни таништиришда энг қулай ва қизиқарли маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади.

«**Реми Дор ва ўзбек фольклори**» деб номланган диссертациянинг иккинчи боби ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг француз тилига таржималари ва бунда Реми Дорнинг таржимонлик маҳоратини очиб беришга бағишланган.

Шарқшунос таржима материални танлашда унинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятига алоҳида аҳамият берган. Ўзбек ва қорақалпоқ тез айтишларини таржима қилишдан мақсад ҳам нутқий компетентликни шакллантирувчи, логопедик хусусиятга эга бўлган қўлланма яратиш эди. «Sarah-Rose la rosophile» (Гулсевар Гулсара)²⁷ китоби уч бобдан иборат. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, Улуғбек Мансуров, Худойкул Ибрагимов ва Муҳаббат Абдуғофурова томонидан тўпланган.

Реми Дор ҳижжавий таржима кетидан қувмади. Аксинча, француз ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги умумийликни топишга ҳаракат қилиб, бадиий таржима элементларидан фойдаланди. Жумланинг ҳамоҳанглигини сақлаш мақсадида француз шеърининг хос ассонанс ва аллитерация ҳодисаларига алоҳида эътибор берди. Муқобил таржима яратишда Реми Дорга *архисема*²⁸ қоидалари ҳам жуда қўл келди. Қуйида мана шундай таржималардан намуналар кўришимиз мумкин.

Аслият	Ҳижжавий таржима	Реми Дор таржимаси
Айиқ асал ялади, Асалари талади.	L'ours lecha du miel, L'avette le piqua (attaqua)	Martin miel mangea Et l'avette se vengea.

Тез айтишда Реми Дор *айиқ* сўзига *Martin* лақабини архисема қилиб олган. Чунки французларда бу исм, худди ўзбек тилидаги *айиқполвон* сингари, *айиқ* сўзининг кичрайтириш-эркалалаш шаклида қўлланган. Таржимон *Martin, mangea, se vengea* каби ҳамоҳанг сўзлар билан тез айтишнинг логопедик жиҳатини сақлаб қолишга эришган. Бу ерда *таламоқ* – *piquer* феълининг ўрнига *se vengeer* – қасос олмоқ. феъли қўлланилган. Бу оҳангдошликни сақлаб қолиш билан бирга, жумланинг экспрессив бўёқдорлигини ҳам оширган. Яъни, бировнинг мулкига сўроқсиз кўз олайтирган айиқдан асалари қасос олди. Тадқиқотда мутаржим маҳоратидан далолат берувчи кўплаб мисоллар таҳлил қилинган.

²⁷ Remy Dor. Sarah-Rose la rosophile, virelangues d'Ouzbekistan. – Paris, 2005. – 162 p.

²⁸ Ҳақимова М. Семасиология. – Тошкент, 2007.

Таржимон сўзларнинг маъносинию жумлаларнинг равонлигини таржимада сақлайди. Буни қуйидаги мисолимизда ҳам кўришимиз мумкин:

Аслият	Хижжавий таржима:	Реми Дор таржимаси
Самарқанд сойда сашиган сабзини сотган савдогарга саккиз минг саккиз юз сўм солиқ солинсин.	Qu'il soit soumis a une taxe de huit mille huit cent quatre-vingt huit soums, ce marchands qui a vendu des carottes pourries au bord du canal de Samarcande.	Que soit soumis à surtaxe de six mille six cent soixante-six soums ce sale cedeur cedant ses salsifis suiffeux sur le sol de Samarcande.

Кўриб турибсизки, сўзма-сўз таржимада оҳангдош тез айтиш оддий жумлага айланади. Бирок, Реми Дор сўз бойлигини ишга солиб, жумла ҳамоҳанглигини сақлаб қолишга эришган.

Таҳлил қилинган таржималардан кўриш мумкинки, Реми Дор таржимон ва олим сифатида ўзбек тез айтишларини француз тилига ўгиришда муваффақиятга эришган. Икки тил ўртасидаги грамматик ва фонетик муқобиллик, умумийликни топа олган. Энг муҳими, ушбу жанрни нутқни ўстириш, психикани чиниқтириш каби функцияларини аниқ илғаб, уларни таржимада сақлашга муваффақ бўлган. Мазкур таржима тўплами мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек мактаб ва олий ўқув юртларида фонетика ва нутқ маданияти дарсларида дидактик материал бўлиб хизмат қилади.

Туркий халқлар ҳамда уларнинг тиллари тарихида, хусусан, ўзбек халқи ва ўзбек тили тарихида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк»²⁹ асари алоҳида ўрин тутди. Девон қўлёзмаси топилиб, илмий муомалага киритилгандан бери ўтган вақт давомида уни тадқиқ қилиш билан бирга бир қатор тилларга ўгирилди. Жумладан, ўтган аср давомида девон турк, ўзбек, уйғур, қозоқ, рус, инглиз, немис каби тилларига таржима қилинди³⁰. Бирок француз тилига таржима қилиш бироз назардан четда қолиб келаётган эди. 2010 йилда Реми Дор девонда келтирилган мақоллардан намуналарни таҳлил қилди ҳамда француз тилига таржима қилди. Ушбу тажриба «Бир қарға бирла қиш келмас» (Un seul corbeau ne fait pas l'hiver) номи билан алоҳида китобча шаклида чоп этилди³¹. Тадқиқотнинг асоси сифатида девон юзасидан яратилган Ферид Биртекнинг «En eski türk savlari» қўлланмаси³² ҳамда Р.Данков ва Ж.Келли муаллифлигидаги девоннинг инглизча таржимаси³³ олинди. Китоб муқаддима, таҳлил методологияси икки қисм, мақоллар ҳақида маълумотнома, атамалар индексацияси, тушунчалар индексацияси ҳамда библиографиядан иборат.

²⁹ Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк). 3 жилдлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Солиҳ Муталлибов. – Т.: Фан, 1960-1963

³⁰ Маҳмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-турк (Свод тюркских слов), в 3 томах. 1 том. – Москва, 2010. – 468с.

³¹ Dor Rémy. Un seul corbeau ne fait pas l'hiver. – Paris: Editions L&M, 2010. – 121p.

³² Ferit Birdek, En eski türk savlari. – Ankara, 1944. – 199 b.

³³ Mahmud al-Kaṣṣari, Compendium of the Turkic Dialects, edited by R. Dankoff in collaboration with J.Kelly. – Harvard, 1985. – 3 vol.

Мақолнинг таржима қилинаётган тилдаги муқобилини топиш ҳар доим ҳам амалга ошавермайди. Бу ҳақида профессор Ғ. Саломов қуйидаги фикрларни билдиради: «Шундай фразеологик бирликлар, иборалар, мақоллар борки, уларни чет тилларига таржима қилишнинг имкони йўқ»³⁴. Мақолнинг бошқа тилларда эквиваленти бўлмаслиги мумкин. Лекин бу контекстда мақолларни таржима қилмасдан четлаб ўтиш дегани эмас. Матн мазмунидан келиб чиқиб, таржимани амалга оширса бўлади.

Мақоллар асрлар давомида маълум бир халқнинг ҳаёт тажрибасини бадиий жиҳатдан ифодаловчи сўз санъати намуналари сифатида яшаб келмоқда. Унинг дефинициясига тилшунослар турлича таъриф берадилар³⁵. Француз олимлари ҳам мазкур масалада ўз фикрларини билдирадilar. Жумладан, Андрей Возняк қуйидаги таърифни келтиради:

«La parémie est une forme (relativement) figée et attestée, connue sous une forme lexicalisée et à laquelle est attaché un sens. De fait, la conservation de la forme et des autres particularités proverbiales sont à prendre en compte»³⁶.

Яъни, Возняк мақолни ахборотлашган турғун бирикма ҳолида мазмун ташувчи лексик бирлик деб таърифлайди ҳамда мазмун ва шакл бирлигини йўқотмасликни доим эътиборга олиш кераклигини такидлайди.

Жорж Милнер эса ўзининг «Провербиал турғун бирикмаларнинг структураси. Семантик таксономия»³⁷ мақоласида қуйидаги таърифни беради: «... le trait distinctif d'une locution proverbiale consiste en ce qu'elle possède une armature symétrique de fond et de forme. En corollaire, la valeur (et, par là, la faveur) d'une locution proverbiale est fonction directe de la mesure dans laquelle la symétrie de la forme reproduit la symétrie du fond»³⁸.

«... провербиал бирликларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар маъно ва мазмунни боғлаб турувчи симметрик арматурага (боғлам) эга. Яъни, провербиал бирликнинг мазмуни маълум бир ўлчам вазифасини бажариб, бунда шакл симметрияси мазмун симметриясини ифодалайди».

Реми Дор ҳам мақол тушунчасига таъриф-тавсиф бериб, жанр ҳақидаги олимларнинг фикрларини умумлаштириб, қуйидаги таърифни келтиради: «Миллат донишмандлиги билан йўғрилган, қадимий мантикий қоидаларга асосланган мақол тингловчилар томонидан ички ҳис-туйғу орқали англашилади. Мазкур қудратли тузилма халқ авторитетига айланиб, унга муаллиф этиб халқнинг ўзи белгиланади»³⁹.

Мақолларда ҳаётий воқеа-ҳодиса ҳақида қатъий ҳукм ифоланади. Бу ҳукм мусбат ёки манфий мазмунда акс этишини Реми Дор ҳам ўз

³⁴ Саломов Ғ. Тил ва таржима. –Т.: Фан, 1966. – Б.239.

³⁵ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: «Ўқитувчи», 1990. – Б. 91-99.; Саримсоқов Б. Мақоллар. Ўзбек фолклорининг очерклари, 1-жилд. – Тошкент, 1988. – Б. 95-98.

³⁶ Andrey Wozniak. Peut-on traduire un proverbe ? // Ela. Études de linguistique appliquée 2010/1. – n° 157. – P. 35-48.

³⁷ Milner George Bertram. De l'armature des locutions proverbiales. Essai de taxonomie sémantique. – In: L'Homme, 1969. Tome 9 n°3. – pp.49-70. https://www.persee.fr/doc/hom_0439-4216_1969_num_9_3_367053

³⁸ Milner George Bertram. De l'armature des locutions proverbiales. Essai de taxonomie sémantique. – In: L'Homme, 1969. Tome 9 n°3. – P.54

³⁹ Dor Rémy . Un seul corbeau ne fait pas l'hiver. – Paris: Editions L&M, 2010. – P.10.

тадқиқотида кузатади. Мақол тузилиши, унинг ички – абстракт синчини таҳлил қилиш учун Реми Дор Ж. Б. Милнер томонидан маъқулланган математик системани танлади⁴⁰. Унинг таҳлиliga кўра: «... une locution proverbiale se compose de quatre quadrants (ou segments secondaires) placés en relation d'équilibre structurel les uns avec les autres, autant dans la forme que dans le fond. C'est du caractère précis de la relation entre ces parties constituantes que dépendent l'effet et la signification de la locution tout entière».

«Провербиал бирликлар шакл ва мазмун жиҳатдан ўзаро мувозанатга келтирилган тўртта квадратчалардан иборат туртбурчак шаклига эга. Мақолнинг мазмун-моҳияти ана шу қисмларнинг ўзига хос хусусиятларини беҳато бириктиришдан ҳосил бўлади». Ушбу шакл ҳақида қуйироқда маълумот берилади».

Олим мақолни тизимли таҳлил қилиб, уни икки аъзо – бош ва оёқдан ташкил топган яхлит система – «цефалёпод» (céphalopode – юнонча céphalo – бош, podo – оёқ) деб номлайди. Биз уларни шартли равишда юқори ва қуйи аъзолар деб номлаймиз. Масъулиятига кўра ҳар бирининг алоҳида вазифаси бор. Ҳар бири юзма-юз, мувозанат ёки посанги ҳолатида туради. Уларнинг ўртасидаги алоқа узилиши мумкин, натижада, фақат юқори ёки қуйи аъзо қолиб, улардан бири истеъмолдан кетиши мумкин. Бироқ, бу ҳолат мақолнинг яшашига ҳалақит бермайди. Яна бир нарсани кузатиш мумкинки, баъзи вазиятларга кўра, инверсия ҳодисаси рўй бериши мумкин – яъни икки аъзонинг ўрни алмашиб қолади.

Мақолларнинг бадий мукамаллиги ҳамда яхлит системага солинганлиги уларнинг ҳаётийлигини, умрбоқийлигини таъминлайди. Айни чоғда бадий гўзаллик яратишда бевосита сўз танлаш, тасвир воситаларидан унумли фойдаланиш жиҳатлари ҳам бор. Улардан бири мақолнинг фонетик тузилиши – товушдошлик: аллитерация ва ассонанс ҳодисалари.

Реми Дорнинг фонетик таҳлили ҳам қадимги туркий мақолларда товушдошликни кўрсатиб бериш эди. Мақолнинг юқори ва қуйи аъзолари орасидаги омофония – товушдошликни кузатиб, жадваллар орқали асослайди.

Қуйидаги мақолни фонетик таҳлил қилиб, ассонанс ҳодисасини жадвал асосида кўрсатади:

Аслият	Реми Дортаржимаси
arpasi:z at ašu:mas, arqasi:z alp čari:g siynma:s.	Sans avoine, le cheval ne peut franchir la ligne de façade, Sans soutien guerrier ne peut briser la ligne de bataille.

TÊTE	a a i : a	a u : a :
PIED	a a i : a	ä i : i a :

⁴⁰ Milner George Bertram. De l'armature des locutions proverbiales. Essai de taxonomie sémantique. – In: L'Homme, 1969. Tome 9 n°3. – pp. 49-70. https://www.persee.fr/doc/hom_0439-4216_1969_num_9_3_367053

Мақолнинг биринчи хусусияти ҳажми қисқа ва чекланганлиги бўлса, таржимада биров ютқазгандек, бироқ, унинг бир аъзо билан яшовчанлигини ҳисобга олиб, француз тилида юқори ёки қуйи қисмини олишимиз ҳам мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам мақолнинг юқори аъзоси сақланган: «Арпасиз от довон ошолмас»⁴¹.

Реми Дор тадқиқотлари асосида кузатиш мумкинки, аксарият мақоллар ундош билан бошланади. Уларни фоизларда кўрсатиб бериш мумкин. Унга асосан -б- ундоши билан бошланган мақоллар энг кўп учрайди (20%). Кейинги ўринларда -қ- (17%), -т- (14%), -й- (9%) ундошлари келишини кузатиш мумкин.

Аслият	Реми Дортаржимаси
Би:р қарға бирла қиш кәлмә:с.	Un seul corbeau ne fait pas l'hiver.

Таржимон туркий халқ мақолларини фонетик таҳлил қилар экан, уларнинг яшовчанлигини таъминловчи омиллардан бири ритм – оҳанг эканлигини яна бир бор исботлади.

Реми Дор мақолнинг бадиий мукаммалигини ташкил этувчи ҳар бир элементини тизимли таҳлил асосида кўрсатиб берди. Қадимги туркий мақолларнинг ҳозирги шарқ халқларида сақланган шакли ҳамда француз тилидаги эквивалентларини жамлаб, туркийча-французча мақоллар изоҳли луғати учун илмий асос яратди.

II бобнинг кейинги қисми Реми Дорнинг таржимачилик фаолиятида ўзига хос ўрин эгаллаган «Нурали» достонининг тадқиқига бағишланган. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб у достонни илмий жиҳатдан ўргана бошлади. 1991 йили Франциядаги Шарқ мамлакатлари тил ва маданиятини ўрганиш миллий тадқиқот институтининг (INALCO) «Қиёсий шеърият ёзишмалари» (Cahiers de Poétiques Comparée) тўпламида олимнинг «Nourali ou les aventures lyriques d'un héros épique»⁴² («Нурали ёхуд эпик қаҳрамоннинг лирик саргузаштлари») номли рисоласи нашрдан чиқди. 2005-йилда эса достоннинг тўлиқ француз тилидаги таржимаси Тошкентда чоп этирилди.

Кўпинча, эпик матнни бошқа тилларга таржима қилишда муқаррар йўқотишлар ҳақида кўп гапиришади. Бироқ унгача бўлган даврда ҳам, халқ оғзаки ижодини босма шаклига кўчиришда ҳам кўп нарса йўқотилади⁴³. Ушбу ҳақиқатни Реми Дор «Нурали» достонининг таржимасида яна бир бор тасдиқлайди⁴⁴. Оғзаки ижод билан боғлиқ бўлган кўп нарсалар йўқолади. Кўшиқчи импровизацияси, пауза ва такрорларнинг ўзига хослиги, ассимиляция, диссимиляциялар йўқолиб, барчаси адабий нутқ нормаларига ўтиши каби ҳолатлар шулар жумласидан. Бироқ асарнинг бадиий моҳияти сақланади. Миллийликка доир барча кўринишлар ўзгамайди. Таржимон эса уларни ўз тажрибасида қайта тиклаши зарур. Эпик матнни йўқотишларсиз бошқа муҳитга

⁴¹ Мирзаев Т. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 2012. – 381 б.

⁴² Dor Rémy. Nourali ou les aventures lyriques d'un héros épique. – Paris, 1991.

⁴³ Фольклор. Издание эпоса. – М: Наука, 1977. – С. 4.

⁴⁴ Dor Rémy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-français. IFEAC. – Paris, 2005. – P.23-25

кўчириш учун эса таржимон ўзида филолог, тадқиқотчи, тарихчи, этнограф, сўз устаси каби сифатларни мужассамлаштириши зарур.

Таржимон ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихига тўхталиб шундай ёзади: «Қадим замон тарих саҳифаларини варақлаб чиқишга ҳожат йўқ. Минг йиллар давомида босқинчилик қурбони бўлган Ўрта Осиё халқлари ғурурини топтамаслик учун «этногенес» атамасини четлаб ўтишни афзал кўрдик»⁴⁵. Ўзбекхон давридан бошлаб то ҳозирги давргача бўлган тарихий ўзгаришлар билан француз китобхонини жуда қисқа, аниқ ва лўнда қилиб таништиради. Ўзбек классик адабиёти таниқли вакиллари Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, халқ оғзаки ижоди ҳақида, «Гўрўғли» туркуми дostonлари тўғрисида маълумот беради. «Нурали» дostonи вариантлари ва унинг Фозил Йўлдош ўғли томонидан айтилган версиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда афзалликларига тўхталиб ўтади.

Ўзбек ва француз эпосини қиёсий-чоғиштирама ўрганишга доир тадқиқотлар К.Т.Мустаев ва С.С.Исмамовлар⁴⁶ томонидан олиб борилган бўлсада, ўзбек дostonларининг француз тилига таржимаси билан қиёсий ўрганишга доир тадқиқотлар яратилган эмас. Дostonларнинг поэтик хусусиятларини таржимада сақлаш масалалари ўрганилмаган.

Ўзбек дostonлари ритмига хос бўлган анъаналардан бири дostonни қофияланган, маълум бир ритмга солинган жумлалар – сажъ санъати билан бошланишидир⁴⁷. «Нурали» дostonи бошланмаси ҳам ўзига хос ритмга эга.

Аслият: Илгари замонда Гўрўғли беклик **қилиб**, Чамбилда даврон **суриб**, ҳар мамлакатдан беклар **келиб**, хизматида **туриб**, Исфихон мамлакатидан Холдор ўғли Ҳасанни олиб **келиб**, ўғил **қилиб** олди. (32 бет)

